

## Умнатнинг Набий алайҳиссаломдан кейинги энг афзал шахси



16:21 / 17.01.2023 2495

У киши иймонда аввали бўлди!

У киши тасдиқлашда ягона бўлди!

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаси бўлди!

У киши умматга энг раҳмли, сиддиқ, сахий зот!

У киши уммат ичидан жаннатга биринчи кирувчи зот!\* (ҳадис)

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун суҳбатини ва молини сира ҳам аямаган зот.

У киши Аллоҳнинг ҳалилига биродар ва соҳиб бўлган зот.

У киши Ислом умматининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг афзал шахси бўлган зот!

У киши саҳобаи киромлар ичидаги энг илмли ва зеҳни ўткир бўлган зот!

Масжидга кирадиган эшиклардан у кишининг эшигидан бошқаси

беркитилган зот!

У кишига озор етганда Расули Акрам алайҳиссалом ғазабланган зот!

У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан уч марта «Аллоҳ сени мағфират қилур», деган гапни эшитган зот!

У кишининг иймони ва бутун умматнинг иймони тарозига қўйилса, у кишиники оғир бўлган зот!

У киши ҳижратда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлган зот!

Ҳадис ва ҳаёт китобида шундай дейилади: «...Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу одатдан ташқаридаги одамлар тоифасидан эдилар. У киши ўлимни мардлик, ҳатто хурсандчилик билан кутиб олдилар» (174-бет).

Яна у кишининг вафот саналари ҳақида қуйидаги маълумот келтирилади: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Жумадул охир ойининг тугашига саккиз кун қолганда, сешанба куни, олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. У кишининг халифаликлари икки йил, уч ой, ўн кун давом этди».

Жанозаларини Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўқиганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Оиша онамизнинг хужраларига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига кечаси дафн қилинганлар.

У кишининг бошлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг елкаларига тўғрилаб қўйилган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қабрларига ўғиллари Абдурахмон, Умар розияллоҳу анҳу, Абдурахмон ибн Авф ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳумлар тушганлар.

Жаннатга бир неча эшикдан киришни орзу қилган саҳобаларнинг пешқадамларидан бўлган Абу Бакр розияллоҳу анҳуга Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Умид қиламанки, сен ўшалардан бўласан» деганлар.

Эй, жонинию молини Исломга, Набий алайҳиссаломга фидо қилган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу!

Сизга Аллоҳ таолонинг раҳмати, мағфирати, баракаси бўлсин!

Эй, Расулulloҳ алайҳиссаломнинг халифаси!

Сизга салом бўлсин!

Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

**Қамариддин Бекмуҳаммад**

**16.01.2022**

**23-Жумадул охир, 1444-ҳижрий йил**